



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 3 ноябрь, № 222 (6916) • Жума

Сайтнинг асосий учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ROSSIYA FEDERACIYASI ХУКУМАТИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган ва МДХ Хукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этадиган Россия Федерацияси Хукумати раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида жорий йилнинг апрель ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари, жумладан, октябрь ойида МДХнинг Сочи саммити доирасидаги мулоқоти стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга кучли суръат бағишлагани, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Кўп қиррали Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада кенгайтириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, иқтисодийнинг турли тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Россия Хукумати раиси Дмитрий Медведев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг эзгу тилаklarини етказди.

Мамлакатларимиз шериклик муносабатлари ва ўзаро амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Ў.А.

Фарход ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

**Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 3 ноябрь куни 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.**

Латвия Президенти Раймондс Вейониснинг табрик мактубида бундай дейлади: «Ўзбекистон Марказий Осиё мунтақасидаги энг яқин ҳамкорларимиздан бири ҳисобланади. Сўнгги 25 йил ичида фаол амалга оширилган олий сийёсий даражадаги ташрифлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва дўстликдан далолатдир».

«Фурсатдан фойдаланиб, Латвия Сиз Жаноби Олийлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган кенг қўламли давлат ислохотлари дастурини қўллаб-қувватлашни билдиришига ижозат бергайсиз, — дейилади Латвия раҳбарининг мактубида. — Ишонанамки, кўнун устуворлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва бошқарув соҳаларини модернизация қилиш йўлидаги саяё-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг улкан ривожланиш салоҳиятини юзга чиқаради».

Раймондс Вейонис Латвия ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига қатъий ишонч билдирган. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз мактубида «тарихан қисқа даврда давлатларимиз ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқалари, юксак даражадаги ўзаро алоқалар ва ишончга асосланган шериклик шаклланди. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида жадал ва самарали мулоқот ривожланиб бормоқда», деб таъкидлаган.

Давлатимиз раҳбари «сийёсий, савдо-иқтисодий, инновацион, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдоримиз», деб қайд этган ҳамда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар биргаликдаги саяё-ҳаракатлар билан бундан буён ҳам янада мустаҳкамланишига ишонч билдирган.

Ў.А.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI TOHIKISTON RESPUBLIKASI, KOZOG'ISTON RESPUBLIKASI, BELARUS' RESPUBLIKASI VA TURKMANISTON ХУКУМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 ноябрь куни МДХ Хукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Бақитжан Сагинтаев, Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.**

Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода билан учрашувда конструктив ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги анъанавий яқин дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ лойиҳа ва

дастурларни амалга ошириш учун ҳукуматлараро комиссия салоҳиятидан самарали фойдаланиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Бош вазири Бақитжан Сагинтаев билан учрашувда олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни изчил амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо, инвестиция, энергетика, транспорт ва бошқа устувор йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантириш мумкинлиги таъкидланди. Икки давлат ҳудудлари ўртасидаги ва ишбилармон доиралари даражасидаги фаол алоқаларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Беларусь Бош вазири Андрей Кобяков билан учрашувда Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари ривожидида ижобий суръат

манмуният билан қайд этилди. Қисқа вақт мобайнида машинасозлик соҳаси, агросаноат мажмуаси, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилди.

Томонлар ҳамкорлигининг мавжуд салмоқли салоҳиятини, авваломбор, иқтисодийнинг реал секторидидаги кооперация имкониятларини тўла ишга солишдан манфаатдор экани қайд этилди.

Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси Ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан учрашув чоғида Туркменистонга олий даражадаги ташрифлар ва давлат раҳбарларининг мунтазам мулоқотлари Ўзбекистон — Туркменистон

муносабатларини стратегик шериклик босқичига кўтаргани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлик, саноат ва қишлоқ ҳўжалигидаги кооперацияни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Тожикистон, Қозоғистон, Беларусь ва Туркменистон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилаklarини етказди.

Ў.А.

## ROSSIYA FEDERACIYASI DELEGACIYASI BILAN UCHASHUV

**Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси Хукумати раиси Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ва Россия Федерацияси Хукумати раиси Д. Медведев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ва бошқа қатор ҳужжатлар асосида янги босқичга чиқди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи, октябрь ойида Сочи шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашуви ўзаро муносабатларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар вазирилик ва идоралар йўналишида ҳам ривожланиб бормоқда. Кейинги ярим йилда ҳукуматлараро даражада йигирмага яқин ташрифлар амалга оширилди. Бу савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки

томонлама манфаатли алоқаларни янада фаоллаштириш учун кенг имкониятлар очди. Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, саноат кооперацияси соҳаларида жадаллашгани қайд этилди.

Икки мамлакат ҳукуматлари расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари, вазирилик ва компаниялари ўртасида ўндан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, нефтни қайта ишлаш, банк-молия, инвестиция, савдо, саноат, автомобилсозлик, илм-фан, ташқи миграция ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир қатор меморандум ва битимлар қабул қилинди.

Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ў.А.

## Халқаро ҳамжамиятга очиклик ифодаси

Берлиндаги Шарқий Европа ва халқаро тадқиқотлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти экспертлари, шунингдек, Германия Ташқи ишлар вазири, К. Аденауэр жамғармаси, Фан ва сийёсат жамғармаси, Германиянинг етакчи академик ва тадқиқот доиралари вакиллари иштирокида «Ўзбекистон: янги Президент раҳбарлигида бир йил» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди.

### ТАШҚИ СИЁСАТ

Тадбир доирасида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини

ўтган даврда амалга ошириш натижалари ҳақида батафсил ахборот берилди. Германиялик экспертлар Ўзбекистондаги янгилаш ҳамда модернизация

жараёнларини катта эътибор билан кузатиб бораётганликларини қайд этишди. Расмий Берлин Президент Шавкат Мирзиёевнинг ички ва ташқи сийёсат бўйича стратегик саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Германиялик мутахассислар Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари механизмлари ҳаётга татбиқ этилганини алоҳида таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда).

## Ҳаракатлар стратегияси — жамоатчилик эътиборида



Президентимизнинг жорий йил 15 августдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида Халқ билан мулоқот ва

инсон манфаатлари йилида Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларни бажариш якулиларини тизимли таҳлил этиш белгиланган эди.

Бу борада олиб борилган натижалар ҳақида аҳоли ҳамда жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, шунингдек,


2017 йилда мамлакатни ривожлантириш якулиларини сарҳисоб этиш ва 2018 йилда навбатдаги ислохотларни режалаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил қилиш мақсадида жорий йилнинг август-сентябрь ойларида «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан

«Ҳаракатлар стратегияси: сарҳисоб ва истиқболдаги қадамлар» мавзунда жамоатчилик фикри сўрови ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан 6 минг нафардан ортиқ юрдошларимиз қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

# Ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг асосий манбаи

Авал хабар қилингандек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтаётган сийёсий партиялар фракцияларининг навбатдаги йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ўтган уч чорадаги ижроси муҳокама этилмоқда.



## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу ҳисоботни атрофлича кўриб чиқарган. Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг изчил рўёбга чиқарилиши натижасида мамлакат иқтисодиёти барқарор суръатда ривожланаётганини таъкидлашди. Хусусан, саноат ва хизматлар кўрсатиш тармоқларига алоҳида эътибор қаратиш эвазига субвенцияга қарам туманларни камайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустақамлаш масалалари ўтган тўққиз ой давомида Давлат бюджети ижросининг устувор йўналишларидан ҳисобланди.

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сийёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, аввало, амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилишда ва барча тадбиркорлик субъектини ташқи савдо фаолиятини амалга ошириши учун тенг шароитлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Кайд этилганидек, ҳисобот даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури доирасидаги ишлар самарасида микрофирма ҳамда кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми 105,6 фоиз ўсди. Ўз навбатида, улар томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови микдори ошди.

Депутатлар сўнгги пайларда мамлакатимизда валюта сийёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишларнинг юқори баҳоладилар. Бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар кулай инвестициявий муҳитни яратиш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рақнақ топишига хизмат қилаётди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигида олиб борилган ишлар ҳам фракция аъзолари томонидан кизгин муҳокама этилди. Зотан, бугунги кунда ушбу секторда 3,6 миллиондан ортиқ кишилар меҳнат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг йлпи ички маҳсулотдаги улуши 17,2 фоизни ва йиллик ўсиш суръати 6-7 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, республикаимизда қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кенгайтириш юзасидан ҳам қатор чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ қилинапти. Хусусан, истеъмол товарлари соҳасида 63 та лойиҳани рўёбга чиқариш ишлари бошлаб юборилди. Улар ҳисобига ҳар йили 140,7 минг тонна мева-сабзавот ва 10,2 минг тонна гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш имконияти юзга келади.

## ЭЪТИРОФ

Халқаро ҳарбий спорт кенгаши (CISM) бош котиби Дорак Мамби Коита мамлакатимизга амалий ташриф билан келди.

CISM бош котиби:

## Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар ҳавас қилишга арзийди

130 дан зиёд мамлакатлар аъзо бўлган ушбу кенгаш "Спорт орқали дўстлик" ширин остида фаолият юритишда ва қатор халқаро мусобақалар ташкилотчиси саналади. У турли давлатлар Кўролли Кучларининг ўзаро ҳамкорлигини спорт ҳамда жисмоний тарбия воситасида мустақамлашга қўмақлашади.

Ташриф доирасида меҳмон дастлаб пойтахтимиздаги "Ватанга қасам" монументи пойга гул қўйди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Кўролли Кучлари давлат музейи экспозицияси билан танишди. Шу ёрнинг ўзида Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий спортчилари билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитасида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон спортчиларининг халқаро мусобақалардаги иштирокини кенгайтириш, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Д. Коита Олимпия шон-шухрати музейи, Осиё дэзюони ривожлантириш марказида бўлди. Шунингдек, "Бунёкор" стадионидagi шарт-шароитлар билан танишди.

Таассуротларим бир олам, — дейди Халқаро ҳарбий спорт кенгаши бош котиби. — Сафарим давомида юртингиз спортчилари билан дилдан сўбатлашиб, улар учун яратилган имкониятларга гувоҳ бўлиб, Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар ҳавас қилишга арзийди, деган хулосага келдим.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

# Ҳаракатлар стратегияси — жамоатчилик эътиборида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Сўровнома корхона ҳамда ташкилотлар, вазирлик, идоралар, олий ўқув юртлири ва маҳалла фуқаролар йўғинларида тарқатилиб, аҳоли кенг қатламлари қамраб олинди. Бундан ташқари, www.strategy.uz веб-сайтида алоҳида саҳифа очилди ҳамда уни мобил алоқа ёрдамида тўлдириш имконияти ҳам яратилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудларда аҳоли тақлифлари ҳамда фикрлари ўрганилди.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, фуқаролар жорий йилда амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан, ижтимоий соҳадаги ўзгаришларни ижобий баҳолаганлар. Кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойларнинг қурилиши фуқаролар томонидан, айниқса, кўп эътироф этилган.

Масалан, респондентларнинг 89,6 фоизи давлат бошқаруви органларининг халқ билан мулоқот қилишида, фуқароларга бўлган муносабатидида ижобий ўзгаришларни сезганини билдирган. Мулақат катта қисми — 95,7 фоизи Президентнинг виртуал қабулхонаси ва жойлардаги Халқ қабулхоналари муаммоларга ечим топишида кўл келмаётганини таъкидлаган. Ҳудудларда

ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериши тартибининг жорий этилишини ҳам юрдошларимиз алоҳида кўрсатиб ўтишган. Эркин валюта курсининг белгиланиши, пенсия, нафақа, иш ҳақи ҳамда бошқа тўловлар учун нақд пуллар ўз вақтида берилиши ҳолати ҳам, фуқаролар томонидан, йил давомида қабул қилинган энг муҳим чора-тадбирлар сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, ҳамюртларимиз жорий йилда ички ва ташқи йўлларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши жадаллашганини эътироф этган ҳолда, бу ишлар ҳали етарли эмаслигини ҳам (40,4 фоиз) ифodalашган.

Кам таъминланган оилалар учун арзон уй-жойларнинг қурилиши, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш, 11 йиллик мактаб таълимнинг жорий қилиниши, дори воситалари нархларининг чегараланиши ҳамда бошқалар ижтимоий соҳада олиб борилган муҳим чоралар сифатида кўрсатиб ўтилган. Хусусан, респондентларнинг 41,6 фоизи фикрича, 11 йиллик мактаб таълимнинг қайта тикланиши маориф самарадорлигини оширади, 37,8 фоизи эса бу ўқувчилар ахлоқи яхши-ланганини таъминлайди, деб билади. Сўривда қатнашганларнинг 21,1 фоизи олий таълим тизимини тубдан ислоҳ

соҳа ривожини учун 54,8 фоиз микдорда маблағ сарфланганига урғу берилди. Ўтган тўққиз ойда қариялар ва ногиронлар санаторийлари ҳамда интернет уйлари учун 65 млрд. сўм, ногиронлар реабилитация марказларига 14,2 млрд. сўм ажратилиб, 85 минг нафардан зиёд фуқароларга ижтимоий хизматлар кўрсатишга интилоқ этилди.

Ўз навбатида, партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фракция аъзолари томонидан муҳокама давомида қатор савол ва тақлифлар ўртага ташланди. Жумладан, Давлат бюджетини ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ярим йиллик ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар учун 1 минг 625 та махсус аравача, 300 дан зиёд эшитиш мосламалари етказилгани ҳақида маълумот берилган эди. Лекин депутатлар ҳудудларда бўлганида, ногиронлар аравачаларининг сифатсизлиги, эшитиш мосламаларининг алоҳида ёшларга мўлжалланмагани билан боғлиқ эътирозларга дуч келишди. Шундан келиб чиқиб, фракция аъзолари Давлат бюджетидан ижтимоий химюга ажратилаётган маблағлар сифатсиз маҳсулотларга сарфланишининг олдини олиш ва бу борадаги назоратни кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

Давлат бюджетининг ижроси юзасидан берилётган ҳисоботларда белгиланган режа бўйича амалга оширилган ишларга оид факторларни янада аниқроқ келтириш тақлиф этилди.

Фракциялар йиғилишлари якунида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА.

# Халқаро ҳамжамиятга очиклик ифодаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлат ҳамда жамият ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг ўрнатилишида ушбу тажрибанинг ноёблиги эътироф қилинди. Фан ва сийёсат жамғармаси экспертлари таъкидлагандек, "ушбу механизм орқали қисқа вақт ичида миллионлаб ўзбекистонликларнинг муаммолари ҳал этилгани диққатга сазовордир".

Шу билан бирга, немис экспертлари фикрича, Ўзбекистон Марказий Осиё ва Бутун дунёга очиклигини на-

минтақадаги сийёсат муҳитининг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келди. Пировадидан минтақа жаҳон ишбилармон доиралари учун иқтисодий жиҳатдан янада жозибали ҳудудга айланди. Бундай тенденция ҳар доим давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш, минтақавий ҳамкорликни фойдалантириш тарафдори бўлган Германия томонидан хайрихолик билан кутиб олинди ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЎЗБЕК — ҚИРГИЗ — ХИТОЙ ДЎСТЛИК ҚАРВОНИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

ХХР транспорт вазирлигининг ўринбосари ЛЮ Сяоин мураккаб йўлни муваффақиятли босиб ўтгани ҳамда Марказий Осиё учун тарихий аҳамиятга эришилган ҳақида маълумот берилди.

— Автотранспорт Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида уч мамлакат халқларининг фаровонлиги йўлида транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди, — деди у. — Узок кутилган мазкур транспорт йўлининг фойдаланишига топширилгани давлатларимизнинг шу пайтга қадар сафарбар этилмаган салохиятларидан янада самарали фойдаланишига, улар ўртасидаги савдо ҳажмларини сезиларли даражада оширишга қўмақлашади.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда автотранспорт халқаро иттифоқи ваколатхонасининг раҳбари (қароргоҳи Пекинда) Цу Пенчэн "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан сўбат чо-

рида ушбу янги йўналишнинг очилиши Хитой, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг мустақамлашишида том маънодаги муҳим воқеа ҳисобланади, дея таъкидлади. "Мазкур транспорт йўлининг фаолият кўрсатиши Хитой ҳамда Марказий ва Фарбий Осиё мамлакатларининг бозорлари ривожига кучли туртки бериши баробарида, бу мамлакатларнинг янада тараққий топишига ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликнинг мустақамлашишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади".

ХХР Тижорат вазирлиги Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бошқармаси бошқаруви ЛЮ Шейсун кейинги пайларда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари қўшма иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида янги ўсувчанлик касб этганини айтиб ўтди.

— Янги йўлнинг очилгани Хитойнинг нафақат Ўзбекистон билан, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларини ривожланти-

рида алоҳида аҳамиятга эгадир, — деди у. — Бу лойиҳа "Бир макон, бир йўл" ташаббусининг амалдаги ифодаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу йўлак шарофати билан Ўзбекистон маҳсулотлари ҳам юк ташувининг анча паст таннархида тўғридан-тўғри Хитой бозорига кириб келади.

Қирғизистон автотранспорт агентлиги директорининг ўринбосари Арслан Қасимали-уулу мазкур автотранспорт муваффақиятини ташкил қилгани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди.

— Мазкур лойиҳа давлатларимиз раҳбарларининг сийёсий хоҳиш-иродалари ва шахсий саъй-ҳаракатлари туфайли амалга ошди, — деди у. — Умид қиламизки, қайта тикланаётган Буюк Ипак йўлининг бу тармоғи узок йиллар мобайнида фаолият кўрсатади ва бошқа мамлакатларнинг юк ташувчилари ҳам бу йўлакдан фойдаланишига мумкин бўлади.

Б. ЭРГАШЕВ, А. ИЛЁСОВ, «Жаҳон» АА.

# Фаровон ҳаётимиз асоси

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, мазмун-моҳиятига кўра, Конституцияимизда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги фаровон ҳаётимиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, рўзгоримиздаги файзу барака айнан қонун устуворлиги, Президентимиз раҳбарлигида олиб борилётган оқилона сийёсат самараси, десак, аини ҳақиқат.

## КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Асосий Қонунимиз туфайли ҳар бир инсоннинг меҳнати қадр топиб, орзу-ниятлари рўёбга чиқмоқда. Узим мисолида айтганим бўлсам, 17 йилдан бери болаларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берман. Конституцияимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим давлат томонидан кафолатланиши ҳамда мактаб ишлари давлат назоратида экани белгиланган. Бу фарзандларимизга ҳам, биз,

ўқитувчиларга ҳам катта куч, шижоат бағишлаётди. Хусусан, ҳар йили ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловида фаол иштирок этиб, билим ва тажрибамни янада оширишга ҳаракат қиламан. Жорий йил мазкур танловда учинчи бор қатнашиб, голибар қаторидан қўй олдим. "2017 йилнинг энг яхши она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси" дея эътироф этилдим. Бу юксак ишончдан руҳла-



ниб, таълим-тарбия ривожига ҳисса қўшиш йўлида янада масъулия билан фаолият юритаяман.

Умуман, барча ҳабада кўрик-танловини қўлга қиратиётган бўлсак, уларда Конституцияимиз мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Дилноза БЕРДИЕВА, Кўтоб туманидаги 1-иختисослаштирилган мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

# Ижро ишини юритиш такомиллашади

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоғини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибдорлигини ва ишбилармонлар фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш йўлида кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, бу жараёнда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишининг таъсирчан механизмларини яратиш, мол-мулкни реализация қилиш бўйича аукцион савдоларининг қонунлиги, шаффофлиги ва холислигини таъминлаш муҳим ўрин тутди.

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг янги мажлисида концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси айна шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳаси билан мамлакатимизнинг "Таров тўғрисида", "Ипотека тўғрисида"ги ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларига тегиш-

ли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, унга мувофиқ, хатланган мол-мулкни сотиш бўйича аукцион савдоларини фақат электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказиш тақлиф этилмоқда. Бундай янги тартиб фуқаролар учун электрон онлайн-аукционларда кенг иштирок этиш ҳамда кўчмас мол-мулк, автотранспорт воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни адолатли ва шаффоф савдоларда сотиб олиш имкониятини таъминлайди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан дастлабки электрон онлайн-аукционлар нарҳи оши-

риб бориш тамойили асосида ўтказилиб, унда лот нарҳи бўйича охириги тасдиқланган иштирокчи голиб, деб топилиши тақлиф қилинапти. Шу билан бирга, дастлабки аукционлар мол-мулкка қизиқиш бўлмаганлиги сабабли ўтказилмаган деб топилган тақрирда, нарҳни тушириб бориш тамойили асосида тақрирлий аукционлар ўтказилиб, бундай аукционларда ёллон қилинган лот нарҳини биринчи тасдиқлаган иштирокчи голиб деб топилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса электрон онлайн-аукционларда голибларни ташқаридан ҳеч

бир аралашувсиз автоматик тарзда аниқлаш имконини беради.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат. Илгари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда аънаваный аукционларни ташкил этиш билан ризолорлик ташкилотлари (кўчмас мулк бўйича) ва бошқа иختисослаштирилган ташкилотлар (бошқа мол-мулклар бўйича) шуғулланар эди. Қонун лойиҳасида ушбу функцияни ваколатли операторга юқлатиш тақлиф этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мажбурий ижро бюроси ҳузурида "Электрон онлайн-аукционлари

ташкил этиш маркази" давлат унитар корхонасига асос солинди. У "Е-IJRO AUCTION" ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор сифатида белгиланган.

Очигини айтиш лозимки, шу кунгача ижро ишини юритишда коррупциявий хавф-хатарларни ўз ичига олган, қонунларнинг босилиши ва фуқароларнинг асолий норозилигига сабаб бўлиб келган айрим механизмлар мавжуд эди. Қолаверса, суд қарорларини ижро этиш доирасида ўтказиб келинган оммавий савдо тарзидаги талабларга жавоб бермасди. Оқибатда буларнинг барчаси хатланган мол-мулкнинг олди-соти бозорини монополиялаштиришга, нарҳ бўйича манипуляцияларга ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлар эди. Масалан, кўп ҳолларда мол-

мулк савдога қўйилганлиги тўғрисидаги ахборотдан қўпчилик хабардор бўлмаган, чунки бундай электрон савдо майдончасида олдин фақат бир марта босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган. Натijaда айрим инсофсиз савдо ташкилотлари томонидан аукционда қатнашуви харидорларнинг сонини сунъий равишда чекланган, мол-мулклар эса арзон нархларда манфаатдор шахсларга сотилган.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мазкур камчиликлар сотувга чиқарилган мол-мулкнинг бир неча мартаба арзонлаштирилишига, мазкур жараённинг қўзилиб кетишига олиб келиб, пировадидан суд қарорларининг вақтида ҳамда тўлиқ ижро этилишига имкон бермаган.

Шу сабабли ҳам қонун лойиҳаси жамоатчилик, соҳа вакиллари томонидан ижобий кутиб олинди. Чунки бу қонун лойиҳаси суд ҳужжатлари ва бошқа

органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бозорини монополиядан чиқаришга, унинг имкон қадар шаффофлигини таъминлашга қаратилган. Аини пайтда соҳада нарх билан боғлиқ манипуляциялар ҳамда бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, уй-жой ва нотурар кўчмас мулкларни, автотранспорт воситаларини ҳамда бошқа турдаги мол-мулкни очик ва адолатли оммавий савдоларда (электрон онлайн-аукционларда) сотиб олиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишга замин яратди.

Албатта, қонун лойиҳаси билан жорий этиладиган замонавий тизим, бошқа соҳаларда бўлганидек, фақат адолат тамойили асосида иш қўриш, юрдошларни мизга янада қўлақайларни яратиш, халқимиз манфаатини таъминлашга хизмат қилади.

Элдор ТУЛЯКОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

# Секторлар — муаммоларга ечим топишнинг самарали механизми

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 августдаги қарорига мувофиқ, ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар тўрт секторга ажратилгани халқ билан мулоқот қилиш, энг ўткир, долзарб масалаларга ечим топиш самарадорлигини ошириш имконини берапти. Айни чоғда секторлар асосий эътиборни муайян ҳудуд аҳолисининг турмуш шароити ҳамда даражасини юксалтириш, одамларни қийнаётган муаммоларни иложи борича жойида ҳал этишга қаратмоқда.

## 2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Фарғона вилоятида ҳам шаҳар ва туманлар ихтисослашуви чуқур таҳлил қилинган ҳолда, секторларга бўлинди. Хусусан, вилоят ҳокими Кўштепа, Фарғона, Ёзёвон ҳамда Сўх туманлари, шунингдек, Фарғона ва Марғилон шаҳарларининг 305 та маҳалла фуқаролар йиғини бириктирилди. Вилоят прокуратураси Бешарик, Ўзбекистон, Фуркат, Данғара туманлари ҳамда

Кўкон шаҳри, ички ишлар бошқармаси бошлиғи Учқўприк, Бувайда, Богдод, Риштон ва Олтиариқ туманлари, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Кува, Тошлоқ туманлари ҳамда Куваасой шаҳри аҳолиси билан ишлаш вазифаси топширилди. Жумладан, Ёзёвон туманида ҳар бир оила, маҳалла ҳаёти яқиндан ўрганилиб, аниқланган

муаммолар, тақлифлар асосида "йўл хариталари" тайёрланди. Бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулияти кучайтирилиб, жорий йилнинг учинчи чорагидан эътиборан иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ортда қолаётган тармоқлар фаолиятига кўмаклашиш амалиёти самарадорлигини кучайтириш назарда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қўйлаётган иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичларни, яқин келажак истиқболи билан боғлиқ амалий натижаларни ўзаро сарҳисоб қилиш имконини беради.

— Аҳоли кенг қатлами билан ўтаётган очик мулоқотларда маълум ҳудудга мис равишда тадбиркорликни ривожлантириш, солиқ имтиёзларини жорий этиш юзасидан тақлиф-мулоҳазалар қабул қилинаётди, — дейди туман прокуратури, иккинчи сектор раҳбари Мирзохид Дехқонов. — Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қол-

мапти ва зарур ҳолларда, қонун доирасида ҳал этиш учун вилоят, республика миқёсидаги тегишли идораларга тақдим қилинмоқда.

Ёзёвон тумани ИИБ бошлиғи Шухратжон Мўминовнинг таъкидлашича, сектор раҳбарлари ўзларига бириктирилган ҳудудда яшаб, маҳалла аҳли билан бирга эканлиги турли ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларнинг олдини олишда, тинчлик-осойишталик муҳитини мустаҳкамлашда айна муқддо бўлмоқда.

Худди шундай, Риштон туманида ҳам муаммоларга жойида ечим топилаётгани ўз натижасини берапти. Ҳозирги кунгача бу ерда халқнинг эътирозлари сабаб бўлаётган 700 дан ортқ муаммоларнинг бир қисми белги-ланган тартибда ҳал этилган бўлса, вақт ва ўрганишлари тақозо қилаётган масалалар ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича дастур ҳамда "йўл харитаси"га киритилди.

Хусусан, туманда 1 минг 254 та кам таъминланган оиланинг 286 таси ижтимоий ғимояга йўналтирилиб, 84 оилага чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйиш, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича имтиёзли кредитлар ажратилди.

— Жорий йил туманда янгиланган намунавий лойиҳадаги арзон иккита кўп қаватли, 14 та 2 сотихли уй-жойлар куриш ишлари тўлиқ якунланиб, ўз эгаларига топширилди, — дейди Риштон тумани ҳокимилиги бош мутахассиси Зарифжон Умаров. — Бундан ташқари, туман газлаштириш идораси томонидан 6 минг 385 донга суюлтирилган газ баллонлари ижарага берилди. Кўп қаватли уйларни кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш чора-тадбирлари ҳам ўз вақтида, сифатли ба-жарилди. Секторлар томонидан аҳоли мурожаатлари асосида ҳудуд ривожланишига тўсиқ бўлаётган камчиликлар аниқ-ланиб, уларнинг мана шундай изчил ва самарали бартараф қилинаётгани пировард мақсад — одамларнинг бугунги кундан розилик ҳиссини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Элвжон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ироқ нефть ишлаб чиқаришини 50 фоиз оширишга тайёр. Бу ҳақда "Basra Oil Company" компанияси томонидан маълум қилинди.

## Конлар ўзлаштирилади

Айтиш керакки, ушбу компания мамлакатнинг Жанубий қисмида углеводород хом ашёсини қазиб олиш ишларига масъулдир. Улар "қора олтин" ётказиб беришни бир кеча-кундузда 5 миллион, келажакда эса 6 миллион баррелгача кўпайтиришни режалаштирган. Бундай кўрсаткичга янги конлар-



ни ўзлаштириш орқали эришилади. Ҳозирги пайтда Ироқ бир кеча-кундузда 4,5 миллион баррель нефть қазиб оляпти.

## Муқобил энергия улуши ошади

Мексикада энергетика соҳасини такомил-лаштириш учун 80 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мамлакат энергетика вазири Педро Хоакин Колдуэллнинг сўзларига кўра, кўзда тутилган лойиҳаларни рўйбга чиқариш мақсадида 125 та компания билан шартномалар тузилди. Режага мувофиқ, инвестициялар тадқиқот ва ишлаб чиқариш, сейсмик хавфсизликни таъминлаш, газ қувурларини куриш ҳамда муқобил энергияни ривожлантиришга жалб қилинади.



2024 йилга бориб, ушбу мамлакатда электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг 35 фоизини шамол ҳамда кўёш энергияси ҳисобига қоплаш режалаштирилган.

## Узоқ умр кўришнинг муҳим омилли

АҚШлик олимлар овқатланиш рақибиданги кичик ўзгаришлар умрни узайтиришга туртки бўлиши мумкин, деган ҳулосага келишди. Мазкур тадқиқот якули "New England Journal of Medicine" журналида чоп этилди.

Мутахассислар 74 мингдан зиёд эши улуг инсонлардан қандай таом истеъмол қилаётгани, парҳезга риоя этиши каби бир қанча жиҳатларни 12 йил давомида ўрганишди. Аниқ-ланишича, рақиб сифатининг 20 фоиз ортиши эрта ўлим хавфини қийратиб 17 фоизгача қисқартираркан. Аксинча, сифат пасайиши



унинг эҳтимолини 6 — 12 фоиз ошираркан. Шундай қилиб, соғлом овқатланиш инсон саломатлиги учун жуда муҳим, деган фикр яна бир қарра ўз тасдиғини топди.

## Саратоннинг олдини олади

Гонконг университети олимлари фикрича, камида олти ой мобайнида аспириини кичик дозаларда истеъмол қилиб туриш саратон хавфини сезиларли даражада камайтираркан.

Мутахассислар ушбу йўналишда 600 мингдан зиёд кишилар иштирокида тадқиқот олиб боришди. Таҳ-лиллар аспирин, аниқлик, овқат ҳазм қилиш тизими-да учрайдиган онкологик касалликларнинг олдини олишда самарали восита эканлигини кўрсатди. Мазкур дорини қабул қилиш натижасида жигар ва қизилўнғач саратонига чалиниш эҳтимоли 47, ошқо-зон саратони хавфи 38, ошқозон ости бези сарато-ни эҳтимоли 34, тўғри ва йўғон ичак саратонига чалиниш хавфи 24 фоизга камайган.

"У, шунингдек, лейкемия, ўпка ва простата бези саратонига ҳам илҳомий таъсир қилади", дейди профессор Келвин Цой.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ТОШКЕНТНИНГ ЕР УСТИ ҲАЛҚА МЕТРО ЛИНИЯСИ

халқ манфаати, аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда бунёд этилмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 28 октябрь кунин Тошкент шаҳри туманларида бўлганида, пойтахтимизда ер усти ҳалқа метро линиясини барпо этиш бўйича бошланган ишлар билан ҳам яқиндан танишган эди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон кейинги пайтда бунёдкорлик жабҳасида ҳам бой таърибага эга иқтисодий салоҳияти юксак давлат эканлигини амал-да намойён қилмоқда. Маҳал-лий мутахассислар лойиҳалари асосида қурилаётган ийрик объектлар, шу жумладан, транспорт-коммуникация ти-зимларини янада такомиллаш-тириш борасидаги ишлар иж-роси шундай дейишимизга асос бўла олади. Аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, Тошкент метро-политени йўналишларини узай-тириш юзасидан қўйлаётган чора-тадбирлар эса тармоқда-ги саъй-ҳаракатларнинг бир қисми, ҳолос.

лометрга тенг. Буни қарангки, 74,6 километрик Дубай метросида поездлар автоматик бошқариш экан.

Мутахассисларнинг айтиши-ча, ер усти метроси қурилиши ер остидаги қараганда, тан-нархи арзон тушиши бароба-рида, тез барпо этилади.

### Ноёб транспорт

Дарҳақиқат, метрополитен ноёб транспорт воситаси бўлиб, унинг қурилиши ҳам гоёт мураккаб ва катта масъу-лиятни талаб қилади. Шунинг учун ҳозир жаҳондаги 200 дан зиёд мамлакатларнинг 71 тасидангина метро хизмати йўлга қўйилган.



Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ер усти ҳалқа метро линия-сини барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Шу ўринда метро билан бо-глиқ айрим рақам ва далиллар-га тўхталиб ўтасак. Метро транспорт бўйича жаҳон миқёсида АҚШ биринчи ўрин-да туради. Яъни ушбу мамла-катнинг ўттиз иккита шаҳрида метрополитен бор. Биринчи Нью-Йорк метросида йилгирма тўртта йўналиш бўлиб, унда 468 та бекат мавжуд.

Дунёдаги энг узун (434 кило-метр) метро эса Шанхай шаҳрида барпо этилган. Зиё-ратчилар учун мўлжалланган ягона метро Макка шаҳрида бўлиб, унинг узунлиги 18,1 ки-

лометрга тенг. Буни қарангки, 74,6 километрик Дубай метросида поездлар автоматик бошқариш экан. Мутахассисларнинг айтиши-ча, ер усти метроси қурилиши ер остидаги қараганда, тан-нархи арзон тушиши бароба-рида, тез барпо этилади.

Мустақиллик йилларида, анқирғи, 2001 йилда шаҳар-нинг аҳоли зич ҳудудларидан бири — Юнусобод туманида узунлиги 7,6 километр ва 6 та бекатдан иборат бўлган Юнусобод йўналишининг би-



ринчи босқичи ишга туширилди. Бу билан Тошкент шаҳри-нинг Шимолий ва Жанубий қисмини марказ орқали би-рлаштирувчи транспорт йўла-ги яратилди.

2016 йилда Юнусобод йўна-лишида 3 та бекат ҳамда Сергели йўналишида узунлиги 7 километрдан ортқ бўлган ер усти метро линияси қурилишига киришилди. Айни пайтда ушбу иншоотларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

— Тошкент шаҳри бўйлаб ер усти ҳалқа метро линияси қурилишининг дастлабки босқичида метрополитеннинг "Дўстлик" бекатидан Қўйлиқ бозоригача бўлган сақизта бекатдан иборат қисми барпо қилинади, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари, "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси бошлиғи Ойбек Худойкулов. — Кейинчалик у "Олмазор", "Беруний", "Бодомзор" ҳамда "Тузель" бекатлари орқали яна "Дўстлик" бекатига туташтири-либ, яхлит ҳалқа яратилади. Лойиҳага кўра, мазкур метро йўли пойтахтимизнинг Яшнобод, Учтепа, Олмазор, Юнусобод, Чилонзор ва Сергели туманларидан ўтади.

### Бирорта ҳам уй ёрки иншоот бузилмайди

Ер усти метро линияси лойиҳасининг бош муҳандиси Эдуард Каннинг қайд этишича, қурилиш жараёнида бирорта ҳам бино-иншоот ёки уй-жой бузилмайди. Бу бунёдкорлик ишлари халқ манфаатини ҳар томонлама йўлаб, пухта амал-га оширилишидан далолатдир.

### Бирорта ҳам уй ёрки иншоот бузилмайди

Ер усти метро линияси лойиҳасининг бош муҳандиси Эдуард Каннинг қайд этишича, қурилиш жараёнида бирорта ҳам бино-иншоот ёки уй-жой бузилмайди. Бу бунёдкорлик ишлари халқ манфаатини ҳар томонлама йўлаб, пухта амал-га оширилишидан далолатдир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистонда келгуси йил бошидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг молиявий саводхонлигини ошириш дастури ижросига киришилади.

## Бизнесда муваффақиятга эришишнинг сирини нимада?

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбир-ларини тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳаётга татбиқ қилинаётган мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Халқаро молия корпорацияси, "Норма" маркази томонидан рўйбга чиқарилади.

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ишбилармон-лик муҳитини яхшилаш, бизнес юритиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ислохотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўта-рилмоқда. Натижада ишбилармонлар сафи йил сайин кенгайиб, улар ички бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириб, экспорт ҳажмини оширишда муҳим роль ўйнапти.

Соҳада кўлга киритилаётган бу каби ютуқлар Жаҳон банкининг яқинда эълон қилинган "Бизнесни юритиш 2018: иш уринлари яратиш учун ислохотлар" маърузасида алоҳида эътироф этилди. Гап шундаки, Ўзбекистон бизнес юри-тиш учун энг қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатларнинг биринчи ўнталлигига кирди. Бошқача айтганда, охириги бир йил даво-мида мамлакатимиз мавқеи 13 поногага яхши-ланиб, дунёнинг 190 давлати орасида 74-ўрин-ни эгаллагани, шунингдек, кредитлаш тизими, миноритар инвесторлар ҳимояси борасидаги кўрсаткичларда ҳам юқорилаш кузатилгани кувонарлидир.

— Бизнесда муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан молиявий саводхонликка боғлиқ, — дейди Марказий банк Департаменти бошлиғи ўринбосари Мухтор Шоназаров. — Масалга шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, нафақат тадбир-корлар, балки бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлганларнинг иқтисодий билиминини бойитиш, молиявий хизматлар бозориданги аниқликлар, жорий этилаётган энгилликлардан хабардорли-гини ошириш ўта муҳим. Чунки сармояларни самарали фойдаланиш, уни мақсадли йўналти-риш муҳим даромд манбаини шакллантиришда кўл келади, оилалар боджетини мустаҳкамлаш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Икки йилга мўлжалланган дастур икки йўналишда олиб борилади. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, шунингдек, аҳолининг кенг қатлами молиявий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ўқу семинар-тренинглари, амалий машғулотлар ўтқа-зилди. Булар ишбилармонлар сафи кенгайи-шида рағбатлантирувчи омил бўлиши, шубҳасиз.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Натижалар таҳлили ва устувор вазифалар

Жорий йилнинг тўққиз ойида "Ўзгросуғурта" акциядорлик жамияти томонидан 15 минг 472 та ариза бўйича 82 миллиард сўмлик суғурта тўловлари амалга оширилди. Жумладан, аҳоли суғуртаси бўйича 6,5 миллиард сўмдан ошқ товон пули тўланиб, юрtdошларимизнинг мулкий манфаатлари ҳимояланди.

### СУГУРТА

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази-да бўлиб ўтган анжуманда айтиб ўтилди. — Жамиятимиз томони-дан юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама қулай суғурта хизматлари кўрсатиш, аҳолининг шахсий ҳақда мулкий

манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб бори-ляпти, — дейди "Ўзгросу-ғурта" акциядорлик жами-яти бошқарувининг юридик департаменти бошлиғи Илҳомжон Ишонкулов. — Шу мақсадда 100 дан ортқ суғурта турлари жорий эти-

либ, 2017 йилнинг ўтган даврида салкам 2 мил-лионга яқин шартнома-лар тузилди. Натижада 34,8 триллион сўмлик суғурта жавобгарлиги олингани ҳолда, суғурта му-кофоти тушуми 105,8 мил-лиард сўмни ташкил этди. Бу аҳолининг суғурта хизматига бўлган ишончи ортиб бораётганлигидан далолатдир. Таъкидлаш керакки, "Ўзгросуғурта" АЖ ёшлар, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган йигит-қизларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш-га алоҳида эътибор қара-тиб келмоқда. Улар учун

янги-янги суғурта хизмати турлари тақлиф этилаёпти. Тадбирда таъкидлани-шича, жамият миқозлари учун яна бир қулайлик яратилди. Яъни эндиликда улар шартнома тўловини "Click" хизмати орқали онлайн тарзда тўлашлари мумкин.

Анжуманда, шунингдек, суғурта маданиятини юксалтириш борасида қўрилаётган чора-тадбир-лар, тизимда учраётган муаммо ва камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, молиявий хизматларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг иж-тимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Эрта огоҳлантириш тизими

ёрдамида ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрилади

Ҳаётини таъминлашда аҳоли ўзгаришларини аввалдан пайкаб, шунга кўра, келгуси ишларини режалаштириш, чора-тадбир-ларини қўриб қўядиган миришкорлар халқимиз орасида кўпчиликини ташкил этади.

### ТАДБИР

Айниқса, баҳор ҳавоси-дан кўзининг, қиш чилласи-дан ёзининг қандай келиши-ни била олган зукко деҳқон чорвадорларнинг хирмонидан, уор-суруви-дан барака аримайди. Иклим барқарор бўлса, элу юртининг ризқу рўзи мўл, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари эса му-стаҳкам бўлиб боришини ҳаётнинг ўзи исботлаган.

Эндиликда юртимизда илм-фан ривожланиб, шу каби ҳаётини масалаларни ҳам ипидан-иғнасигача ўрганиш, ҳаётга татбиқ этиш имкони-ятлари юзага келди. Фавқулодда вазиятлар вазирилик ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати ташаббуси билан қуроқчи-ликдан эрта огоҳлантириш тизимини ривожлантириш масалаларига бағишлаб

Ўтказилган семинарда аҳоли жиҳатлар хусусида сўз бор-ди. Тадбир БМТнинг Тараққиёт дастури ва Мославуш жамғармаси ҳам-корлигидаги "Ўзбекистон-нинг қуроқчилик қузила-диган туманларидаги фер-мер ва деҳқон ҳўжалиқла-рининг иқлим барқарорли-гини таъминлаш" лойиҳаси кўмагида ташкил этилди.

Семинарда сув тақчили-ги, қуроқчилик хавфи юза-га келганда унга мослашиш чораларини қўриш, халқ ҳўжалиғи тармоқларини бундан ўз вақтида огоҳ-лантириш мақсадида қўла-ниладиган лозим бўлган ама-лиётлар борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда, шунингдек, иқлим ўзгаришлари хавф-хатари асоратларини камайитириш бўғунги куннинг долзарб ма-салаларидан бири эканли-гига эътибор қаратилди.

Тадбирда Фавқулодда вази-ятлар, Қишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазириликлари, Экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бир қатор олий ўқув юртлиари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Рустам МИРЗАТАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вази-ятлар вазирилик матбуот хизмати бошлиғи.

Асаларичилик:

ҲАМ ДАРМОН, ДАРОМАД

Мамакатимизда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларни тубдан ислоҳ этиш баробарида, барчани фидойилик билан ишлашга ундамоқда. Мақсад ягона: у ҳам бўлса, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, фуқароларни ҳаётдан рози қилишдир.

МУНОСАБАТ

Шерали СУЯРҚУЛОВ, Фарғона вилояти асаларичилар уюшмаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари шу йил 22 июнь кунин вилоятимизга ташрифи чоғида Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш марказида бўлиб, бу ерда амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари билан асаларичилик тарихи, асалнинг шифобахш хусусиятлари, таълим жараёнида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида суҳбатлашган эди. Қарор билан танишар эканман, беихтиёр ўша учрашув ҳаёлимдан ўтди.



Бундан ташқари, ҳужжатда асаларичиликни ривожлантириш учун банк кредитлари ажратилиши, хориждан асалари оилаларини келтиришда имтиёзлар берилиши ўз ифодасини топган. Вилоятимизда 1400 дан ортиқ асаларичилар томонидан ўтган йили 1550 тонна бол етиштирилиб, халқимизга тортиқ қилинди.

Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси келгусида тармоқда янада чуқур ўзгаришлар юз беришига, асаларичилар сони ошиши, кўрсаткичлар юксалишига кенг йўл очади.

Равшан ШАЙМАТОВ, Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон-Равшан асалчи» фермер хўжалиги раҳбари:

— Қарорга мувофиқ, «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. У соҳа фидойиларини жиғлаштириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, тажриба алмашиш имкониятларини яратди.

Муроджон ТУРСУНОВ, Андижон вилояти асаларичилар уюшмаси раиси ўринбосари:

— Асаларичилик хўжаликлари — уюшма аъзолари асал йиғиш мавсуми давомида ўрмон фонди ерлари, муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар (давлат қўриқоналари, биосфера резерватининг қўриқланадиган зонасида ташқари), тоғ ҳамда тоғолди ҳудудлари, табиий пичанзор ва яйловлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан бепул фойдаланадиган бўлиши. Бу, шубҳасиз, асал етиштириш билан шуғулланадиган субъектларга катта имкониятдир.

Омон ТЎРАЕВ, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди:

— Халқ манфаатини кўзлаган бу муҳим ҳужжат сидқидилдан ишлаш, фидойилик билан бир қаторда, саховатли она-табиатга меҳр-муҳаббат билан ёндашишни ҳам талаб этади.

Энди соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш осонлашади. Илмий ёндашув асосида маҳаллий асалари зотларининг чидамлилиги ошириб борилади. Истиқболда катта ютуқлар қўлга киритилади.

Хозирги кунда республикамизда 12 минг асаларичи рўйхатга олинган бўлиб, улар томонидан ўтган йили 12 минг тонна асал етиштирилган эди. Аҳоли жон бошига олиб қаралганда, бу ҳали етарли эмас. Тиббий меъёزلарга қўра, ҳар бир киши йил давомида 2 килограмм асал истеъмол қилиши зарур. Асаларичилик тармоғи жадал ривожланса, дастурхонларимиздан, албатта, бол аримайди.

Хамидилла БОЙМУРОДОВ, тиббиёт фанлари номзоди: — Тиббиётда асал билан даволаш «апитерапия» дейилади. Асаларининг асали, прополиси, захри, гулчанги, муми, сутти табиатнинг инсонга кўрсатган саховатидир. Тиббиётда организмга қувват берувчи табиий восита сифатида ҳам ишлатилади. Асал шамоллашда, жигар касалликларини даволашда кенг қўлланилади.

Шойим БЎТАЕВ ёзиб олди.

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Шароф Рашидов қаламига мансуб «Икки дил достони» асари асосида сахналаштирилган балет таҳдироти бўлиб ўтди.

«Икки дил достони»

Президентимизнинг жорий йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори доирасида ушбу таҳдирда Шароф Рашидов хотирасини адабийлаштириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Шароф Рашидов нафақат давлат арбоби, балки Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат гоғларни тараннум этилган асарлар яратган улғу ижодкор сифатида ҳам одамлар қалбидан жой олган.

Давронбек ШУКУРОВ.

Китобхон аскарлар қувончи

Бухоро шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда йиғилган бурчини ўтаётган аскарлар орасида китоб шайдолари кўпчиликини ташкил этади. «Бухоро китоб олами» масъулияти чекланган жамияти билан ҳарбий қисм ҳамкорлигида уштурулган китоб кўргазмасидан мумтоз ва замонавий адабиётимиз намуналари, дунё адабиёти дурдоналари ўрин олгани улар учун айни муддао бўлди.

МАЪНАВИЯТ

— Мен ўзбек шоирларининг Ватан, она-табиат, истиқлол мавзуларидаги шеърларини севиб ўқийман, — дейди ҳарбий қисмда хизмат бурчини ўтаётган Нейматулла Жуманов. — Ярмаркада мўъжизалар оламига кириб қолгандек жуда қувониб, излаган китобларимни топдим.

Она юрт ҳимоячилари қалбида мардона туйғулари ни уйғотадиган асарлар уларни маънан юксалтириб, қувонч билан қилиб тарбиялайди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Деҳқонobod туманининг «Торқоқчугай» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Торқоқчугай, Оқдаҳна ва Бўзтепа қишлоқларидаги жами 688 та хонадонда 3 минг 800 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Тоғли ҳудудда рақамли телевидение

Улар тоғли ҳудудларда жойлашган сабабли мавжуд антенналар тўққинчи сифатли ётақиб бера олмас, натижада аҳоли телевизор кўришида қийналарди.

Бу чекка манзилларда ҳам рақамли телевидение ишга туширилиши муносабати билан мазкур масала ечылди.

Абдуқоном БЕКҚАМОВ.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

«Universal reator» МҶЖ

тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга таклиф этади.

I. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга «Toshkent qoq'oz» МҶЖга қарашли, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уйда жойлашган, 1 ва 2-худудлардан иборат, умумий ер майдони 11,32 гектар, шу жумладан, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 40 520,0 кв. м. бўлган кўчмас мулк ва бошқа мулклар қўйилмоқда.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар шартлари: — тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигиға фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунча қадар объектни ўзага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Toshkent qoq'oz» МҶЖ бундан мустасно) тўланади;

— савдо голиби объект сотилиш баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг, бунда пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт;

— тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) йилдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;

— ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, олди-сотди шартномасини расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ барча харажат (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

— тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотишда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминлигини сифатида тўланган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

II. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 15,42 гектар, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 69750,68 кв. м. бўлган кўчмас мулклар (1-участка).

Бошланғич баҳоси — 24 085 476 824 сўм.

2. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 15,02 гектар, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони 24298,77 кв. м. бўлган кўчмас ва бошқа мулклар (2, 2-1-участка).

Бошланғич баҳоси — 17 411 911 532 сўм.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар шартлари: — тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объект бўйича сотиб олиш учун тўловлар олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) ойдан ошмаган муддатда тўлаб берилиши лозим;

— ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча харажат (давлат божи, нотариал тасдиқлаш билан боғлиқ харажатлар ва бошқалар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

— тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотишда иштирок этиш учун талабгор мажбуриятлари бажарилишининг таъминлигини сифатида тўланган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар ҳамда талабгорлар таклифи билдирилган конвертларни очиб 2017 йил 4 декабрь кунни соат 12.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар ва буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уйда қабул қилинади. Талабгорлардан таклиф ва буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 1 декабрь кунни соат 18.00 да тўхтатилади. Мазкур кўчмас мулклар 2017 йил 4 декабрь кунни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларда сотилимай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2017 йил 7, 12, 15 декабрь кунлари соат 12.00 да юқорида кўрсатилган шартларда ва савдонинг ўтказиш манзилида бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар бўйича таклиф ва буюртманомаларни қабул қилиш 2017 йил 6, 11, 14 декабрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг таклифлари савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси;

— икки нусхада муҳрланган конверт ичида сотиб олиш суммаси ва тўловларни тўлаш муддатлари тўғрисидаги таклифлар. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгор имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган бўлиши лозим.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларда иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal reator» МҶЖнинг «Капиталбанк» АТБ Тошкент шаҳар филиалидаги МФО: 00445, СТИР: 302269399, 20208000104975228001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Кўшимча маълумот олиш манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. Факс: (0-371) 236-74-67. www.reator.uz

E-mail: universal.reator@mail.ru. Хизматлар лицензияланган.

«RESPUBLIKA MILK MARKAZI» МҶЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 25-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

● 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/042 SCA бўлган, «УАЗ-31512» русумли. Бошланғич баҳоси — 1 615 000 сўм.

● 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/453 SCA бўлган, «ГАЗ-53» русумли. Бошланғич баҳоси — 7 573 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 20 ноябрь кунни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2017 йил 17 ноябрь кунни соат 18.00.

Аукцион савдоси голиби, деб топилган шахсга Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабгорлар автотранспорт воситаси умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчисига билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika milk markazi» МҶЖнинг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Техдиррият келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тақдиринг жавобгар эмас. Газетанинг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов. Навбатчи — М. Холматов. Мусахҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. УЗА якуни — 22.55. Тошпирилди — 00.15. 2 3 4 5 6